

# Qishloq HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqqan boshlagan

№ 76 (7.069). Sotuvda erkin narxda

## Хамкорлик ўзаро манфаатдорлик асосида ривожланмоқда

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 22 июн куни Оқсаройда Кувейт Араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси бош директори Абдулваҳоб Аҳмад ал-Бадерни қабул қилди.

Ўзбекистон билан Кувейт ўртасидаги муносабатлар изчил ривожланаётгани ва икки томон учун ҳам манфаат келтираётгани бизга маъмурий бағишлайди, - деди Ислам Каримов. Кувейт Араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси ривожланаётган араб давлатларига молиявий ёрдам курсатиш мақсадида 1961 йилда ташкил этилган. Кейинги даврда мазкур жамғарма Европа, Осиё, Африка ва Латин Америкаси давлатлари билан сармоявий хамкорлик алоқаларини кенгайтирди. Мамлакатимиз билан жамғарма ўртасидаги хамкорликнинг ҳуқуқий пойдеворига Президент Ислам Каримовнинг 2004 йилда Кувейтга расмий ташрифи давомида асос солинган. Ташриф чоғида Ўзбекистон ҳукумати билан Кувейт Араб иқтисодий тараққиёт

жамғармаси ўртасида хамкорлик тўғрисида меморандум имзоланган эди. Қайд этиш керакки, аслида мазкур жамғарма билан хамкорлик анча илгари йўлга қўйилган. 1997 йилда ушбу жамғарма Нукус ва Урганч шаҳарларини ичимлик суви билан таъминлаш лойиҳасини амалга ошириш учун қарийб 20 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратган эди. Бугунги кунга қадар жамғарма томонидан Ўзбекистондаги лойиҳалар ижроси учун ажратилган маблағ миқдори 60 миллион АҚШ долларидан ошди. Оқсаройдаги учрашувда Ўзбекистон билан Кувейт Араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси ўртасидаги кенг қамровли хамкорлик алоқаларининг бугунги аҳволи ва истиқболлари юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА)

## Президент Минскка жўнаб кетди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 22 июн куни Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига (ЕврАзЭС) аъзо мамлакатлар раҳбарлари Давлатлараро кенгашининг мажлисида иштирок этиш учун Беларус пойтахти Минск шаҳрига жўнаб кетди.

Давлатимиз раҳбари Тошкент аэропортида журналистлар билан суҳбатлашди. - Ҳар қандай ташкилотга аъзо бўлишдан олдин унинг халққа, давлатга қандай нафи тегишини ҳисобга олиш зарур. - деди Президентимиз. - Ўзбекистон ЕврАзЭСга аъзо бўлишдан қандай манфаат кўради? Бу саволга жавобни ташкилотнинг номидан топса бўлади. Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти. Демак, биз бу ташкилот доирасидаги хамкорликдан биринчи навбатда иқтисодий манфаат кўришимиз керак. Давлатимиз раҳбари ташкилот олдига турган асосий масалалар ҳақида тўхталар экан, аъзо давлатлар ўртасида савдо-сотиқчи янада ривожлантириш, иқтисодий хамкорликни фаоллаштириш, сармоялар бозорини ташкил қилиш зарурлигини алоҳида таъкидлади. Минтақада божхона иттифоқини тузиш масаласини илҳом қилди. Минтақада божхона вазифалардан эканлигини қайд этди. ЕврАзЭСга аъзо давлатлар раҳбарларининг Минск учрашувда интеграцияни ривожлантиришга, минтақавий хамкорлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга, савдо-иқтисодий хамкорликни янада кенгайтиришга оид масалалар муҳокама этилиши режалаштирилган.

Ф. АРЗИЕВ, ЎЗА муҳбири.

Буюк давлат арбоби ва саркарда Амир Темури таваллудининг 670 йиллиги республикамиздаги каби дунёнинг кўпгина мамлакатларида ҳам кенг нишонланмоқда. Мазкур сана муносабати билан илмий анжуманлар ўтказилмоқда, буюк аجدодимизнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган материаллар эълон қилинаётди. Жумладан, Италиянинг Марко Поло институтининг 2006 йил 2-сонида махсус мақола босиб чиқарилган. Куйида ушбу мақола чоп этилмоқда.



## Буюк давлат арбоби ва саркарда

2006 йил 9 апрел куни Ўзбекистонда буюк давлат арбоби ва саркарда, Европада "Тамерлан" деган ном билан машҳур бўлган Амир Темурнинг туғилган 670 йил тўлиши кенг нишонланди. 1991 йилда Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг илк кўнларданок, кўп асрлар давомида аждодлар томонидан яратилган улуг, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Машҳур давлат арбоби, Ўрта асрлар илҳомчиси, саркарда, адолат учун тоғлар кураши, илм-фан ва маданият раҳнамоси Амир Темур даврида илм-фан, маданият ва таълим мислиси даражада юксалди.

Сиёсий майдонга қадам қўйганида Амир Темур эндигина 24 ёшга кирган эди. Мамлакат пароканда, маҳаллий сиёсий қучлар ўртасидаги ўзаро қарама-қаршиликлар авж олган эди. Устайга устай, Чингизхон авлодлари Мовароуннахрга тез-тез босқин уюштириб турарди. Тахминан бир аср давом этган бу даврда Мовароуннахрнинг истибод аламини тортган оддий фуқаролардан то йирик сиёсий арбобларигача пайшоларига жуда ҳам оғир кун кечирдилар. Жамиятга озодликка ва тараққиётга бўлган интилишларни ўзида мутасаддиқ этган халоскор, доҳий зарур эди. Тақдир тақозоси билан Амир Темур ана шундай халоскор ва йўлбошич сифатида тарих саҳнасида пайдо бўлди.

1370 йилда Амир Темур Балхда бўлиб ўтган қурултойда Мовароуннахрнинг улуг амира деб эълон қилинди. Тарқоқликни бартараф этиб, айрим ўлкаларни ягона давлатга бириктириш Амир Темурнинг асосий мақсади эди. У давлатнинг пойтахти қилиб Сўғдиёнанинг қадимий пойтахти бўлган Афросиёб харобаларини ёнидаги Самарқандни белгилади ва янги шаҳарга асос қўйди.

Амударё билан Сирдарё оралиги, шунингдек, Фарғона ва Шовш вилоятларини бириктириб ўзига бўйсундиргандан кейин Амир Темур бошқа мамлакатларга ҳарбий юришларга киришди. Амир Темур салтанати Ўрта Осиёда 35 йил (1370-1405) ҳукм сурди. У Марказий Осиё ҳудудларини ягона марказлашган давлатга бириктирди. Ҳинд ва Гангадан то Сирдарё ва Зарафшонга, Тянь-Шандан то Босфоргача улкан империя барпо этди.

Амир Темур ҳарбий юришларининг билвосита оқибатлари улкан аҳамиятга эга: у Хитойда Мин сулоласи давлат бошига келганда мўғулларнинг Хитойга солаётган ҳафсининг олдини олди; Олтин Урдада энгиз Москва Русси учун ҳам худди шундай ёрдам кўрсатди. 1402 йилда усмонлилар султони Боязид устидан Европа учун катта аҳамиятга эга бўлган ғалабани қозониб, усмонлиларнинг Константинополни истило этишларини ярим асрга суриб юборди. Француз тарихчиси Р.Гроссе 20-аср бошларида "Амир Темурнинг Боязид устидан ғалабаси христония оламини араб қолди" деб эътибор қилди.

Тарих Амир Темурни македониялик Исқандар, Дороти, Юлий Цезарь каби йирик саркардалар билан бир қаторга қўйди. Амир Темурнинг жанг ўқибирини биронтасида ҳам энгилмаган машҳур замон саркарда сифатида, давлат тузилиши ишларига, илм-фан,

маърифат, маданият тараққиётига улкан ҳисса қўшган сиёсий арбоб сифатида тарихга кирди. Амир Темур тарафидан тарқоқ вилоятлар ягона давлатга бириктирилиб, марказий ҳокимият тузилиб барқарорлашгандан кейин, мамлакат иқтисодий мустаҳкамланди, савдо ва хунармандчилик ишлаб чиқариши ривожлана бошлади, қўшни ва узоқдаги мамлакатлар билан савдо-ҳўжалик алоқалари кенгайди. Амир Темур ҳаётий пайтида давлат бошқаруви ҳақида "Темури тузуқлари" деган номда машҳур бўлган махсус китоб ёзилган эди. Унда бу машҳур давлат арбоби ва саркарданнинг ҳарбий санъатга, давлат тузилиши ва мамлакатни бошқаришга оид қарашлари акс этди. "Куч адолатда" шiori бутун Амир Темур давлати ҳудудида ахлоқий ва маънавий мезонга айланган эди.

14-асрнинг иккинчи ярмида Мовароуннахр Яқин ва Ўрта Шарқнинг тижорат, иқтисод ва маданият марказига айланиб борди. Чингизхон қўшинлари томонидан тағ-тубиғача вайрон қилинган Самарқанд, Кеш, Бухоро, Термиз, Тошкент, Марв, Хирот каби ва бошқа қадимий шаҳарлар обод бўла бошладилар. Мас-жиду мадрасалар, макбаралар, карвонсаройлар ва ҳаммомлар қурилди.

Улкан ва бепойун мамлакатнинг пойтахти рутбасини олган Самарқанд, Амир Темурнинг ниятига кўра, қурраи заминдаги энг чиройли шаҳарга айланиши керак эди. Самарқанд Ўрта Шарқ ва Марказий Осиёнинг энг яхши меъмورлари тўплаган шаҳарга айланган эди. Меъмор ва бунёдкор усталарнинг баҳамжиҳат сай-ҳаракатлари туфайли жаҳон меъморчилигига янги йўналиш пайдо бўлди ва у илҳоминг гўзал намуналарини инъом этди. Амир Темур ҳаётий пайтида бунёд этилган улкан меъморий ёдгорликлар инсон тафаккури, ақли ва салоҳиятининг беназир таъжассуми эди.

Амир Темур 12-асрда яшаган ислом илоҳийчиси, шoir ва мутафаккир Хожа Аҳмад Яссавий даҳосига ақтиром қўрсатиб, унинг шаърига Туркиянинг шаҳридаги кичик дахма устида улугвор макбара бунёд эттирди. Макбара бугунги кунда ҳам ўзининг салобати, қўрқи ва аҳойиб сопол безаклари билан кишини ҳайратлантиради.

Хожа Аҳмад Яссавий адолатли, инсоннинг ахлоқий поклигини ва қомилликка эришиш уюларини тарғиб этгучи сўфийликнинг "Яссавия" тариқати асосчиси эди. Амир Темур Хожа Аҳмад Яссавийнинг ўзининг пири деб билар, динга кишиларни маънавий ва ахлоқий қамолотга етакловчи, мамлакат куч-қудрати ва улугворлигини мустаҳкамловчи куч сифатида ёндашарди.

15-аср тарихчиси Шарофиддин Али Яздийнинг гувоҳлик беришича, Амир Темур "ободчиликка арзийдиган бир қарч ҳам ер бўш қолмасин", деб қайғурарди.

Улкан ва қудратли салтанат барпо этган Амир Темур янгича тарихий вазиятда мамлакатда маънавиятнинг гуллаб-яшнаши, юксалиши ва ўтмиш даврларнинг олий аъёналари тиклиниши учун шарт-шароит яратди. Амир Темур ва Темурийлар сулоласи вақилларининг гуманитар соҳаларга алоҳида эътибори туфайли XIV-XVI асрларда юксак илмий ва ижодий ютуқларга эришилди.

(Давоми 2-бетда)

## Томорқа - даромад манбаи

Албатта, бу эзгу ҳаракат обрў топиш ёки шон-шухрат учун эмас, балки ўтиш даврининг машаққатли муаммоларини ечиш, республикада ижтимоий ларза юз бермаслиги учун узоқни кўзлаб қилинган иш эди. "Агар биз пахта пайкалларини кескин қисқартирмаганимизда, юз минглаб гектар ерларни деҳқонларга, шаҳарликларга бўлиб бермаганимизда, кейинчалик аҳвол янада кескинлашар, эҳтимол, очарчиликни, бир эмас, бир неча Фарғона фожияларини бошдан кечирар эдик, - дейди Ўзбекистон раҳбари "Рабочая трибуна" газетаси муҳбирига 1991 йил 3 июлда. - Биз марказий ва маҳаллий ҳокимият тизимларининг қаттиқ қаршилигини энгиз ўтиб, халқимизга таянч бўлган ана шу ишларни амалга оширдик".

Аҳолига ер беришга қаршилик, энг аввало, Ўзбекистоннинг ўзида бошланган. Уша пайтда республика агросаноат вақиллари "Москвадан сурамай, ерни деҳқонларга бўлиб бериш мумкин эмас!" деб ҳисоблаган.

Табиийки, ундан қўйи лавозимда ишлаётган раҳбарларда бу фикр янада қатъий бўлган. Чунки улар учун пахта экилган ерларни одамларга томорқа сифатида бўлиб бериш тасаввурга сиғириб бўлмайдиган сиёсий хато бўлиб туюлган. Шунинг учун ҳам улар бу жараёни илҳом борица пайсалга солишга, қўрсатмани бажармасликка ҳарқат қилишган.

Халқнинг ижобий ташаббусини сиғириб ташлашга (Давоми. Боши ўтган сонда)

қодир бўлган эски бюрократия билан четда турганам. Жойларда амал курсига зулуқдек ёпишиб олган минглаб турлар зимдан одамларга ер беришга қаршилик қилишган. Шу билан бирга, инсоф ва адолатга, одамийликка ёт бўлган чиркин иллатлар, яъни, порахўрлик, тамағирлик, қаллоблик ҳам чўқур илдиэ отган эди. Аксарият амалдорлар фақат ўз манфаатининггина ўйлар. "Мен ҳам шу халққа мансубман-ку!" деган туйғуларга тамомла бегона эди. Шу боис ер оламан, деган "қишлар бюрократик аппаратнинг барча тўсиқларидан ўтшига мажбур, - деб қўнади Ислам Каримов 1989 йилнинг 19 августидан. - Уларнинг йўлида қанчадан-қанча амалдорлар ва турлар учраятти! Бу ерда порахўрлик ҳам, қонсузиллик ҳам, мазкур масаланинг сиёсий аҳамиятини батамом тушуномаслик ҳам мавжуд. Партия ва совет оралиги эса бу аҳволга ўганиб қолган. Бизга шу хусусида қўлаб хатлар келмоқда, уларда одамларнинг арз-доллари битилган. Одамларга ер участкалари ажрати берилганда пора бериш ва пора олиш расм бўлиб қолганини, жойларда эса хадиддан ошиб кетган амалдорларга ҳеч қим зарба бермаётганини айтмоқдалар.

Батамом бошқача ёндашувлар зарур, йўлимизга гов бўлаётган барча нарсаларга қарши, биз билан халқ ўртасига раҳна солаётганларга қарши ҳақиқий жанг бошлаш керак...

Одамларни бюрократик аппаратнинг ўзбошимчилигидан ижтимоий жиҳатдан муҳофаза этилишларини таъмин-



"Аҳолини иш билан таъминлаш керак. Одамларга томорқа беринглр!" деб Ислам Каримов катта йиғинларда қайта-қайта ўқитган, бунди ўз қўли билан билан эшитиб турса-да, топшириқни бажаришга юрагимиз дов бермаган. Чунки замон оғир, сиёсатга ишонч қолмаган, эртага нима бўлишини ҳеч қим билмас эдик.

Ахирий бизни ижрокўмга қачириб, тоза сиқувга олишди, эртаси кун яна шу масала қаттиқ муҳокама қилинди. Хатто хайфсан беришди, шунда ҳам сиёсат ўзгарганини одамнинг ишонгиси келмайти. Юрак ютиб 100 та оилага 12 сотихдан ер ўлчаб бердик.

Томорқани олгач, бири ўзини экин-тикинга урди, бири бог яратди, бири уй қурди, ишлишиб, меҳнат қилган, деган одам иш билан банд бўлди-қолди. Кишилар ўз ҳаётларини тиклай бошладилар. Ерга муносабат ўзгарди. Мана, ҳозир ҳар йили уч марта ҳосил оламиз. Шунинг орқасидан болаларни уйл-жойли қўлдик, ҳажга бордик, дастурхонимиз тўкин-сочин, чиккан. "Нима, қолхос ерсиэ қоладими?" Кейин пахта ни қаерга экамиз?" деб оёқ тираб турган.

Бозор уч юз қадамча нарида эдик, - деб ҳикоя қилади ўша

йилларда Олтиарик тумани ижроия қўмитаси раиси бўлган Абдуфаттоҳ Содиқов. - Арз билан келган 50-60 одамнинг деярли барчаси бир ховлида беш-олти оила тикилиб қолганини айтиб, уй-жой қуриш учун ер сўрар эдик. Лекин, амалдаги тартибга биноан отликка ҳам ер бериб бўлмасди, ақсинча, қўламда уйма-уй юриб, қайта-қайта томорқаларни ўлчадик, қимда қимнинг отаморос ери 15-16 сотих бўлса, унинг 12 сотихдан ортинги кесиб олардик-да, пахта экиб ташлардик.

"Хўш, томорқага талаб-эҳтиёжини қондириш учун қанча ер ажратилиш керак?" деб сўраганимиз. Шунда, улар: "Ҳисоб-китобга кўра, 450 гектар", дейишган. Президент масалани жойида ўрганиб, жойида ечинглр, дегани учун бориб ўргандик, қаранг, ҳўжалик ўз аъзолари талабин қондириши учун аснода 700 гектар сўриладиган ер ажратилиш зарур экан.

Хўш, нима учун булар мана шу ҳақиқатни яшириб, кам сўраган? Чунки: "Эртага нима бўлади? Сиёсат ўзгариб кетса, айбдор бўлиб, қамалиб кетмаймизми?" дея қўрқушган.

Бировнинг гапига биров қулқол солмайдиган ўша замонда давлатимиз раҳбари қаттиққўллик билан ижрони қар тарафлама, шахсан ўзи назорат қилиб турганида, аҳвол ўзгармас эди. Уша даврда пахта экиб қўйилган 1000 гектардан зиёд ерни одамларга бўлиб бериш айтишга осон, ука.

Президент туманимизга қолган, шунда: "Бир пйёла чой ичинг", десак, у киши: "Халқ қандай ишяпти? Томорқа масаласи узил-кесил ҳал этилдими?" деб сўраган. "Топшириқингизни бажаряпмиз", дедик. Шунда давлатимиз раҳбари бориб бозорни кўрмоқчи эканини айтди.

Бозор уч юз қадамча нарида эдик, - деб ҳикоя қилади ўша (Давоми 2-бетда)

## Ўзбекистоннинг фаол хамкори

Кувейт Араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси бош директори Абдулваҳоб Аҳмад ал-Бадер раҳбарлигидаги делегация 22 июн куни мамлакатимизнинг қатор вазирлик ва идораларида музоқаралар ўтказди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, молия вазири Р.Азимов билан мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Кувейт ўртасидаги алоқалар жадал ривожланаётгани, Президент Ислам Каримовнинг 2004 йилда ушбу мамлакатта ташрифи муносабатларимизда янги саҳифа очгани алоҳида қайд этилди. Шунингдек, мазкур молиявий муассаса мамлакатимизнинг яқин ва фаол хамкорларидан экани таъкидланди.


Жаҳонда молиявий ташкилотлар кўп. Аммо уларнинг баъзилари ўз фаолияти қолиб, айрим мамлакатларнинг сиёсий манфаатларига хизмат қилмоқда. Мазкур жамғарма бундай ташкилотлардан фарқли ўлароқ, ривожланаётган давлатларга беғараз ёрдам кўрсатаётди. Шу боис жаҳонда ушбу муассасанинг нуфузи ортиб бормоқда.

Музоқарада молиявий ва сармоявий соҳада икки томонлама хамкорлик алоқаларини янада кенгайтиришга оид масалалар муҳокама этилди.

Учрашув якунида Ўзбекистон Республикаси билан Кувейт Араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси ўртасида кредит битими имзоланди. Молиявий қўямати 20,5 миллион АҚШ долларини ташкил этадиган бу ҳўжжат юртимиздаги 171 шошилинч тиббий ёрдам муассасасини замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлашга сарфланади.

2006 йил Ўзбекистонда "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" деб эълон қилинганидан хабардоримиз, - деди меҳмон. - Мазкур ҳўжжат айнан шу йилда имзоланишида ҳам ўзига хос рамзий маъно бор.

Абдулваҳоб Аҳмад ал-Бадер Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири Ф.Назиров билан ҳам музоқара ўтказди. (ЎЗА)



## Бедор дунё

## "Мен ҳаётни танладим"

Халқимизда қовун-қовундан ранг олар, деган ибора бежизга айтилмаган. Анварга ҳамдўстларининг "қора"си юқиб, гиёҳвандлик йўлига кирганига бир йил бўлди. Бой хонадон эркаси, ҳали ҳаётнинг пасту баландини тушуниб етмаган бу йигитга севганининг бошқасига унашилгани баҳона бўлиб, ўша кечаси роса ичди.


Оғайниларининг "Мана бундан олсанг, ҳаммасини унутасан, қўйсан" деган сўзлари хуш ёқиб, оғу таъсирини ўзида илк мартаба синаб кўрди-ю, унга мубтало бўлди-қолди. Вақт ўтиб, онаизори ўғлининг чўнтагидан қонли шприц топиб олди. Аммо оила бошлигининг ғазабидан қўрқиб, бу ҳақда оғиз очишга ботинолмади. Уғли кўз ўнгиде "жарликка" шўнғиб борар, унга насихатлар, ёлворилар қор қилмасди. Охир-Анварнинг падабар толдиди. Иллат Кўпнинг хўрмати-га сазовор, об-ниёқ гиёҳванд ўғилдан воз кечди.

Бу воқеага ҳам роппа-росе бир ой бўлди. Анвар сўнгги дамда, онасининг қўмағида яшаш учун курашмоқда. Ҳозир у даволанмоқда.

Бундан уч йил олдин ташкил қилинган Республика реабилитация марказида ҳозирда гиёҳвандлик йўлига кирган ана шундай беморлар аноним тарзда даволашиб, соғлом ҳаётга қайтмоқда.

26 июн - Халқаро наркотик моддаларни суиистеъмол қилиш ва уларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш кўни муносабати билан ушбу марказда бўлди. Марказ фаолияти билан яқиндан танишиш мақсадида бош шифокор - Фулом Бобоҳўжаевга мурожаат қилдик.

Бир неча йиллик тажрибамдан англаб етдикми, гиёҳвандликнинг келиб чиқиш сабаблари, аввало, тўқликка-шўҳлик, кишиларнинг доимий иш билан банд бўлмаслиги, одамнинг ўз тақдирини бефарқлик, унинг қийинчиликлар олдиде тез беш эгиши ва, энг муҳими, Ҳаёт аталмиш буюк нёъматнинг қадрига етмаслик, - дейди Фулом ака ўз сўзида. (Давоми 4-бетда)



## Рақиблар номи маълум



### "Сиздан қолганни ит ейдими?.."

Бу воқеани Ибодулло Азимов айтиб берди. Дўстим бор. Ошхона директори. Исми Гофир. Унинг олдига хўжалик раиси Хошимбой Давронов келибди. Ҳайбати балад.



Гофир, сenga мeҳмон бўлиб кeлдим, - дeди раис. Хуш кeлибсиз, хуш кeлибсиз, - дeди Гофир. Столлар бeзатилды. Қайнатма шурва сузилди. Арқодан ҳам юзта-юзта олинayпти. Раис пул бeрармиди, алаймдан Гофир ака ҳам пибeладаги арoқни қолдирмай ичиб юборayпти. Хoшимбoй раис шурванинг ярмини ичмай, кoсани чeккага қўйди. Гофир ака хазиллашди 6 арoқ ўлғунинг кoсoфати бўлдим, кoсани раиснинг олдига қайтариб қўйди: - Э-э, бунн олин-да, раис! - Ҳа энди, ҳoвлинғиздаги итлар оcdан ўлмасин, дeдим. Қолгани итларнинг ҳақи! - Йўқ-йўқ, Оласиз, раис! Бу ерда ҳар кун иккита кўй суяйлади, итлар тўйиб, бўкиб ётибди. Ташвишлaнмаб, сиздан қолганини ит ҳам емayди. Раиснинг ранги oқарди. Гофир ака галининг қаёққа кeтaвтганини билмай, яна талмовсирayди: - Ие, сиздан қолгани ит ейдими? Уларда ақл бор, текин овқат тeшиб чикшишни яхши билaди... Раис нима дeйишини билмай қолди ва хайр-маъзурини ҳам унутиб, уйи томон кeтди. Айтишларича, шу-шу раис oшхoнага кирса, албатта, eган таомининг пулини тулайдиган бўлибди.

Менгнор ОЛЛОМУРОВОД

### "Ғани олов гапирсин!"

Ғани акани қишлоқдаги тенгқурлари "Ғани олов" дейишади. Бунинг сирини ёшлар билишини истаса-да, сурашга ийманяларди. Лекин яқинда қойхонадаги сўхбат қилиб, қаҳ-қаҳ аявчиқа чиққан маҳал бир йиғина йитди: Ака, сизни нега олов дейишади? - деб қолди.

Бу воқеа 17-18 ёшимизда бўлган. Ушанда галла пишиб, йўғим-терим авжиға чиққан палла эди. Эртага ўраминз дeя тушгача томорқадаги бугдойзорни айландим. Қуёш тиккаға кeлиб қиздирганида эса юргим кeлмай галланинг четидаги эгатта ўтирдимда сигарета тутатдим. Уч-тўрт марта тортганимдан сўнг от устида менга яқин кeлиб қолган дадамға қўзим тушди. Қўлимдаги сигаретни шoшганимдан ўчира олмай галланинг ичига отибман. Шукурки, дадам кўрмабди. Ёшларига чакирди, бордим. Бир оз сўхбат қуриб хурсанд турган ҳам эдикки, бoя мен сигарет ташлаган жойдан олов кўтарилди. Қoжeриб турган галла тeз ёнганига қўшимча бўлиб шамол турди. Бирдан кўтарилган аланга хаш-паш дегунча 20 сотик галлани қoвримoч қилди қўйди. Бу сигарет ўлғур фақат соғлигимга зиён қилмай, оилам ризкинда ўз таъсирини кўрсатди. Хулоса чикардиму чекшини ташладим. Лекин ҳали хануз oвoзимини кўтариб гапирсам бас, булар мазах қилиб, "Ғани олов гапирсин, бўлмаса ўт қўяди", дейишади.

Мамарасул БЕКИЕВ

### "...Чорифингни унутма"

Ҳой отаси, бозорма-бозор юриб, жонимда-жон қолмади, - деди аёл иддао билан.

Худойкул хотинининг сўзларини хотиржам тинглаб: - Онаси, олиб келган калишинг қани? - деб сўради. Аёлга бу гап, керосинга гургурт чакилгандек бўлди: - Нега оёгингиз бунча бесўнакай, расталарда сизбop қалиш топмадим-а? - Ёшлиғимда етим қoлиб, болалик йиллари яланг оёқ пода бoқиб, oёгининг ўлчамини йўқoтиб қўйган бўлсам нима қилай?

Аёлниң яна чақаги очилди: - Э, oёгингиздан ўргилай, энди сизбop пoйабзал тикадиган кoсийни хаврдан топанман? Фабрикадагилар сиздака oёғи катталарни ҳам ўйлашса бўлмайдики? Худойкул: - Укинaвeрма, бунинг иложи бор, - дeя ўрнидан қўзғалиб, бoстирма томон юриди ва кўп ўтмай, супрадек кeладиган тeрини кўтариб кeлди. Каттакан қайчини қўлига олиб, ўзига чорик кeсди ва унинг ўчлари бўйлаб, қалин ип ўтказди. -Бу нима қилиқ, алимосқанд қолган чорикни қийсангиз одамлар нима дeйди-а? Худойкул ишини битказиб, oёғига чорикни қийиб подани ўтлоққа ҳайдар чоғи: - Онаси, қадимдан қолган нақл бор: "Ёски Чорифингни унутма"...

Аёлниң жаҳли чикса-да, индамади. Фақат эртаси кунни ҳам катта бозорларға бoриб, эрига мoс кeладиган қалиш ахтeриш билан oвoра бўлди. Лекин Худойкул чорифини унутмай тўғри қилди.

Ҳамдам ЭШОНКУЛОВ

### Кар ким ўзи?

Овулда бир тоғамиз бор. Ёшлиғидан тўполончи, жанжалкаш. Қариганда ҳам қуюлмади. Шаҳарга битмайдиган юмуш билан кeлса-да, «битказмасанг бўлмайди», деб туриб олади.

Бир кун у кулоқ дўхтирига бoриб: "Бола, кампирининг кулоғи oғирлашиб бoраyпти. Ушанга қулоқ дoрисидан бер", дeбди.

Кампирнинг қулоғини кўрмасак, қандай дoри бeрамиз? - дeбди дўхтир.

Кулоқ ҳаммада бир хил бўлади-да, дeмак унинг дoрисини ҳам бирдай, бeрaвeр, - дeя туриб олибди тоғамиз.

Врач у дeбди, бўлмабди, бу дeбди, бўлмабди. Сўнгра кампирингизнинг қулоғи нeча мeтрдан аштитайди, ҳeч бўлмаса шунин билан кeлиб, дeб зўрға қўндириб қайтарибди. Тоғамиз унга кeлиб, тўрдига хонасига қирибди-да: "Кампир, oвқат тaйeрми?" дeб чикчирса, кампир жaвoб бeрaмaбди. Дaхлизга чикиб бақирса ҳам уша ахвoл. Шунда тоғамиз кампирининг ёнига бoриб: "Кампир, oвқат тaйeрми, дeб бақирялман, нeга индамайми?" дeса, "Ие, oвқат тaйeр дeб уч марта қичқирдим-ку?" дeрмиш кампир.

Кейин билса, кампирининг эмас, тоғамизнинг ўзининг қулоғи oғирлашган экан.

Шарап УСНАТДИНОВ

# Буюк давлат арбоби ва саркарда

(Боши 1-бетда)

Амир Темура ва Темурийларнинг авлларга бўлган мeҳрибонларча муносабатларини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Амир Темура ўзининг сукули рафикаси Бибиҳоним шарафига Самарқанда улғур жоме масжид қурдириди. Бибиҳоним номи билан аталувчи бу масжид Амир Темура даврининг энг маҳобатли биноларидан бири саналади. Масжид 1399-1404 йилларда қурилган ва хозирга қадар яхши сақланган. Буюк бoбoкалонидан ўрнак олган бoбурий Шoжoҳoн сукули рафикаси Мумтоз Маҳал бeгим учун 1652 йилда мақбара - дунё мўъжизаларидан бирига айланган нодир мeъморий ёдгорлик қурдириди.

Амир Темура ва Темурийлар даврида адабиёт, амалий ва таъсирий санъат ривожланди. Айниқса, исломга қадар мавжуд бўлган двeрий монументал расм ва китоб миниатюраси санъати юксалди.

Амир Темура тарихда мoжир дипломат ва давлатлар ўртасида яхши муносабатларни ривожлантириш, савдо-иқтисодий алоқаларини йўлга қўйиш тарафлари сифатида чукр ўз қолдириди. У Европа ва Осиё ўртасида ўзарo алоқаларни мустахкамлашга қаратилган кeнг қўламли ишларни амалга oширди. Соҳибқирон дунёнинг турли мамлакатлари билан алоқалар ўнатди: бир тарафдан - Хитой, Хиндистон, иккинчи тарафдан - Франция, Англия,

шунингдек, Усмонлилар империяси, Испания, Италия, Миср ва бошқа давлатлар. Амир Темура савдо-иқтисодий муносабатлар орқали халқлар ва мамлакатлар орасида ягона макон яратишда мисли қўрилмаган ютуқларга эришди. У Испания қироли Генрих III, Франция қироли Карл IV, Англия қироли Генрих саройларига элчилар йўллади; айни пайтда ўз саройида испан, француз, инглиз, хитой ва бошқа хорижий мамлакатларнинг элчиларини қабул қилди.

Амир Темура умрининг кўп қисmini юришларда ўтказди. Шарққа қилган юриши пайтда Амир Темура 1405 йил 18 февраль кунин Утрор шаҳрида вафот этди. Унинг жасади Самарқандга олиб кeлиниб, 23 февраль кунин Гўри Амирда, набираси Мухаммад Султон даҳмасида дафн қилинди.

Европалиқ олимлар Амир Темура ва унинг фаолияти хақида бундан тўрт оз йил илгари гапира бошлаган эди. 1553 йилда Флоренция (Италия)да италян олими Перондино қаламига мансуб "Сифилик буюк Тамерлан" китоби бoсилиб чикди. Бу Европада Амир Темура хақидаги илк илмий тадқиқот ҳисобланади. Европа тилларида (испан, инглиз, француз) эълон қилинган ёзма манбалар ичида биринчи ўринда испан элчиси Руи Гонсалес де Клавионинг "Самарқандга Амир Темура саройига сaҳмат қундалиги (1403-1406)" туради.

Буюк Рембрандт Бобурийлар замонидаги хинд миниатюраларидан илҳомланиб, Амир Темурни унинг ворислари Умаршайх, Захириддин Бобур, Хумоюн ва Акбар даврасида тасвирлайди.

XVI асрда яшаган машҳур инглиз шоири ва драматурги Кристофер Марлонинг "Буюк Темур" номли трагедиясида ёш Темурбек ўзининг тенгсиз акли, салоҳияти ва шижоати билан жаҳон тарихидаги қудратли подшолардан бирига айлангани намойиш этилган. Трагедия XVII асрча саҳнадан тушмай, Англияда театр мавсумини бошлаб берган.

Бир неча европалик бастакорлар операларда Амир Темура образини яратганлар. XVII аср бошида италян бастакори Гасприни "Тамерлан" операсини яратди. Мазкур опера Вена театрида сахна озини кўрди. Бастакор Лео уини Неаполь театрида сахналаштирди. Антонио Вивальди, Сколари, Гендел ва бошқа бастакорлар ҳам бу мавзуда мусика асарлари яратганлар.

Бугун жаҳоннинг элликдан ортиқ мамлакатида темуршунос олимлар илмий изланишлар олиб бoрмоқда. Темура ва Темурийлар даврига бағишланган кўпгина китоблар чоп этилмоқда. Утган олти юз йил мoбайида Европа тилларида Амир Темурага бағишланган эзилган саноқли асарларнинг солими 500 га eтди. Шарқ тилларида эса 900 дан oшди.

**М.АХМЕДОВ**

таржумаси.

### Жиззах томонлари

### Бўрнинг янги тури

Жиззах политехника институтида оҳак заводи чикиндида бўр ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Бу махсулот бошқа жойларда ишлаб чиқарилаётган бўрга нисбатан арзон ва сифатлиги билан ажратилиб туради. Келгусида яншидда рангли бўрлар ҳам ишлаб чиқарилиши мўлжалланмоқда.

### Кутубхонада кенгаш

Вилоят илмий-универсал кутубхонасиде республика кутубхоначиларининг кенгаши бўлиб ўтди.

Унда республика, вилоятлар илмий-универсал, болалар ҳамда кўзи oжизлар кутубхоналарининг раҳбарлари иштирок этишди ва соҳада амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

### "Экофестивал-2006"

Яқинда вилоятда экология шaнбaлиғи ва "Экофестивал-2006" тадбири бўлиб ўтди.

Унда кeнг қўламли oбoдончилик ва тозалик ишлари бажарилиб, тушган маблағ "Экосан" халқаро ташкилоти вилоят филиали ҳисоб рақамига ўтказилди. Бу пуллар тозалик ва oбoдончиликка, саломатликка ҳамда табиатни муҳофаза қилиш тадбирларига ишлатилиши кўзда тутилмоқда.

Толибжон ЭРГАСHEB, "Қишлоқ ҳаёти" муҳбири.

### Хабарлар

### Рағбат

Қоракалпоғистонлик пиллачиларни эришган муваффақиятлари билан рағбатлантириш мақсидида "Экосан" саноқли институтида йўлга ҳозирлик қўрмоқда.

Унда туман шифоналарига кўмак бeриш бoрoҳарида ўн битта йўналиш бўйича голиб бўлган пиллачиларга ҳам ҳoмиёлик асосида соғварлар топишириш кўзда тутилган.

"Экосан" халқаро ташкилоти ва "Ўзбек илғи" уюмчаси ҳамкорлигида ташкил этилган муруват поездди пиллакорларга янада кўтаринчилик баҳш этиши мўқаррар.

М.БЕКТЕВ

### Рапқонда бокс мактаби

Бешарикда республика Вазирилар Маҳкамасининг "Давлат мулк объектларини инвестиция мажбуриятлари эвазига бoлуш бeришини жадаллаштириш чoра-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан ўтказилган тендер тaнловига голиб чиққан Рустан Маҳидов Рапқон қишлоғида ташлашди ҳолда қолган қишки кинотеатр ўрнига янги бокс мактабини қуриб битказди.

Энциликда қишлоқ ёшлари спорт билан мунтазам шуғулланидиган бўлиши.

Мухтор СУЛАЙМОНОВ

# Зарбдор кунлар масъулияти



# Сохта тадбиркорлар

Бугунги кунда юртимизда тадбиркорларнинг қонуний фаолият олиб бoришлари учун бaрчa шaрт-шaрoитлар яратиб бeрилган. Аммо, давлат хазинасига тўланиши лoзим бўлган бoж ва солиқларни тўлаш ўрнига фақат ўз ҳамининг тўлдириб билан oвoра бўлган тадбиркорлар ҳам йўқ эмас.

Божхона ҳoдимлари эса юқоридеги қаби шoвoзларнинг нoқoнуний қилмишларини ўз вақтида фoш этишмоқда. Натижанда юртимизда контрабанда йўли билан олиб кeлинayтган айрим махсулотларнинг ички истеъмoл бoзoрида сoтилишига чeк қўйилиб, шунингдек, тoвaр-мoддий бойликларни юртимиздан нoқoнуний равишда чeтга олиб чиқишга бўлган уришлар чиппақча чиқарилмоқда.

Яқинда Сирдарё вилояти божхона бошқармаси ҳoдимлари бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ҳoдимлари билан ҳамкорликда, юртимизга айланма йўллар орқали Қoзoғистон Рeспубликасида кeриб кeлaётган "Қaмa3" рeсумли қир автомашинасини кузaтув oстига олишди.

Ушбу автоулов Сирдарё шаҳридаги Учтeпa кўчаси бўйлаб йўл eкaсидa қурилган тўрт томонли девор билан ўралган қўрғон ичига қириб кeтгач, тeзoр гуруҳининг шубҳаси янада oшди.

Шундан сўнг мазкур қўрғон қўздан кeчирилганда, кузaтув oстида қириб кeлган "Қaмa3" рeсумли автоуловда ун махсулотлари мaвжудлиғи ва ушбу махсулотлар қўрғон ичидеги яна иккита шу рeсумдаги автоуловларга қайта юклянayтган чоғида тeз-

(Боши 1-бетда) Уэлари яёв бoриб, расталардаги нoз-нeъмaтларни бир-бир қўздан кeчириди, нaрх-нaвoнини сўради, сўнг oдaмлaр билан узoқ сўхбaтлашди. Тoморқa билан бoғлиқ муaммoларни сўрaб-сўриштирди. Oдaмлaрининг хaётидан рoзи экaнини кўргач, бизгa қўнмдa тoпиширди бeрдиларки, тaлaбoрларгa яна кўшимчa тoморқa aжрaтди. Хaлқнинг қувoнчини кўрсaнғиз эди...

Дaвлaтимиз рaҳбaри oғир пaйтларда oдaмлaрни eғизлaтиб қўймaди, хaлқнинг oғирини eнгил қилди, жaмиятни oлдингa силжитди. Ушa дaврдa бу дoвoрaқлик ва жaсoрaт ўз кeлaғaгини, ўз хaётини гaрoвгa қўйишни тaқoзo этaр эди. Сиз билан бизни дeб, элу юртини дeб у oдaм шу йўлни тутган...

Ишонсангиз, 1989 йилгача бутун аҳоли истикомат қиладиган ҳудуд 2000 гектар атрофида бўлган бўлса, уша йилнинг ўзида яна 7631 нафар оилага қарийб 1500 гектар ер томорқа сифатида бўлиб берилди.

Уйим-жойим, болам-чақам, деган одамлар томорқанинг ораксидан қаддини кўтариб олди. У томорқасида бир нeъмaт eтиштириб, oилaсини, эл-юртини ризқ-рўз билан тaъмин eтaвтган дeҳoн мустaқиллиғимизни мустaхкaмлaшгa хизмат қилaётган бўлади-дa... Фaттоҳ aкa хирoқкўмгa чaқириб: "Тезлик билан ақoлиғa тoморқa бeриш кeрaк", дeганидa қулоқларимгa ишонмаганман, - дeб eслaйди Пoлoсoн қиш-

лoқ фукaрoлар ийғини раиси Турғуноў Отақулoвa. - Кўни кeчa хўжaлиқ дaфтраи бўйичa уймa-уй юриб тoморқaларни қaйтa ўлчaб, aғaр у 12 сотихдан oшик бўлса, "Дeвoрини бoз, тpaктор қирит, хaйдaб тaшлa, чигит eк, кoлхoз хирoқкўмгa ўткaз", дeб юргaн бўлсaк, қaндaй қилиб бугун пaхта eқилган дaлaни oдaмлaргa тoморқa қилиб бeрсaн? Кaлoвлaниб, нимa қилишни билмай, кўни кeч қилдик. Oқшoм янa бизни ижрoқкўмгa чaқиришди. "Нимa учун ҳуқуқмат қaрoзини бажaрмaйсaн?" дeйишди. "Қaндaй қилиб пaхтaсини oдaмлaргa қилиб бeрaмиз?" дeдик. "Бўлиб бeр!" дeйишди. "Кeйин пaхтaни қaтгa экaмиз?" дeб сўрaди. Шундан сўнг бизгa кўнги, хaйф-сaн бeришди.

Хайрсаң олган билан зигирча хaфa бўлганим йўқ. aқсичeк, эaндaн-ўшa кўнлим тўлиб, нимaгaдир йўл-лaғим кeлaрди. Кeчaси билан улғaйиб, иккoс-иккoт қилиб чикдик-дa, тoнг сaхoрдaн aқoлиғa 7-12 сотихдан тoморқa тaрқaтдик. Рoстини aйтгaндa, 12 сотихдан oртиқ ер бeришгa қўрқдик, лeкин oдaмлaр шунгa ҳам хурсaнд эди. Биз эсa хaмoн: "Нимaлар бўлaпти ўшa? Қилaётган ишшимиз тўғрими ёки нoтўғрими? Эртa бир кун жaвoбгaр бўлиб қoлмaймизми?" дeгaн хaвoтирдa эдик.

Одамлар ер теккан ҳaмoн унн ўрaб oлишгaн, қўнчилик ўй қурaмaн, дeб шу кўннинг ўзидa пoйдeвoргa тoш тaшлaгaн...

Айрим хўжaлиқ рaҳбaрлaри хaтто хайрсаң олгaнидaн сўнг хaм бир нeчa ой ишни oрқaгa тaшлaб қуришгaн, зaмoн oғир эди-дa, "Қўйиб қoлмaйлмик" дeйишгaн. Лeкин Президент кaттиқ туриб, ўз фикрини ўткaзди. Ишонсангиз, мaнa шу иш қилшлaрини кўп бoлoвaрдaн aсрaб қoлди.

Мен биринчилардан бўлиб тoморқa олгaнмaн, - дeя хирoқa қилaди дeҳoн хўжaлиғи рaҳбaри, пoлoсoнлик Нўмoнoқoн Низoмoв. - 18 сотих eдa узoқм eтиштирмaк, ҳар йили 6-8 тoннa хoсил кўтaриб, шунинг бaрчaсини чeт eлгa чикaрмaк. Хoсил кўтaрилгaч, ўғилларим юк мaшинaлaригa узoқини юклaб, Рoссиягa йўл oлишaди, хaм тижoрaт, хaм сaвeҳ. Дунёни қуриб, айланб қaйтйишaди. Ҳар йили кaмидa бир миллиoн сўм дaрoмaд қилишaди.

Мaнa шу тoморқанинг oрқaсидaн ўн қизимни чикaрдим, тўрт ўғлимни ўйлaнтириб, хaммaсини уйлм-жoйли қилдим. Бoлaларим eргa, мeҳнaтгa бoғлaниб ўсди, тўрти тaрбия топишди. Қўлим бўшaди, дeгунчa ўғил-қизларимникигa бир-бир қикaмaн, қaчoн қaрсaнлар, ўз тoморқaси, тоқларнинг oстигa ишлoв бeрaвтган ёки бўлмaсa, хoтмoқ қилaётган бўлишaди. Мeн хaм нeвaрaлaримни aтpoғимгa ийғиб, ўғлимгa eрдaм бeргaн бўлaмaн, тoқ пaрвa-

ришигa унaймaн. Нeвaрaлaрим мeҳнaтгa aстoйдик aқдaрмoн бўлгaнини қуриб, Яратгaнгa минг мaртa шукрoнa aйтaмaн. Аҳир, oдaмгa янa нимa кeрeк?..

Тoморқa янa хуcусий мулккa, мoддий нeъмaт яратиш ва турмушини фaрoвoн eтиш мaнбaғигa айлaнди. Қўли гул дeҳoн oнa eргa мeҳрини бeриб, сaхoвaтлм зaминимиздaн мўъжизaлaр яратмoқдa, ўзининг худo бeргaн иқтидорини нaмoён eтмoқдa. 1989 йилнинг eғиздa Ўзбeкистоннинг янги рaҳбaри қaтғийaт билан бoшлaгaн тeрaн ва кeнг қўламли ўзгaришлар рeспубликa ҳaётидa янги бир дaврини бoшлaб бeриш билан биргa, мустaқиллик, эр-кичлик сaри тaшлaгaн дaдил ва жaсoрaтлм қaдaмлaр бўлди. "Извeстия" гaзeтaсн мўхбирн 1990 йилнинг 11 июлидa aйтгaн қўйдaғи фикр хaм шунинг тaсдиғидир: "Кeйинги бир-икки йил ичидa Ўзбeкистон кўпрoқ сўвeрeнитeт ва мустaқиллик тoмoн aниқ қaдaмлaр тaшлaмoқдa".

1989 йилнинг eғиздa Хoнқa туманидa 641 oилa истикoмaт қилaдигaн янги Хoнқaбoд мaхaллacн қaд рoстлaди. Бeшaриқ туманидaги "Рaпқoн" жaмoа хўжaлиғидa эсa бeш юздaн зийeд янги ўй қурилди. Бундaй мaхaллa ва қишлоқлар ҳар бир тумaндa, ҳар бир шaҳaрдa қaд рoстлaгaн, янги хoнoдoн-лaрдa кeтмa-кeт ўй тўйлари бўлиб ўтгани бoр хaйқaтдир. "Биз фaқaт ер aжрaтиш билан чeғaрaлaниб қoлмaймиз, - дeя тaъкидлaгaн эди Илoмoт Қaримoв 1989 йилнинг 27 сeнтaбридa. - Ишoрaт қурувчилaри бaрчa кeрaкли иштиeлaр, қaрғa бeрилaдигaн мaблaғлар ва энг асосийси - бинoкoр-

лик мaтeриaллaри билан тaъминлaшни хaм ўз бур-чимиз, дeб хирoқийaймиз".

Ўзбeкистоннинг янги рaҳбaри миллий муносабатлар ва иқтисодий ўзгaришлар мурaқиблaшгaн, иттифoқдoш рeспубликaлaр, улaрининг сaнoaт кoрxoнaлaри ўртaсидa ўзарo хaмкoрлик бaрхaм тoпaётгaн, oқибaтдa, айниқсa, қурилиш мaтeриaллaри фoят тaқчилaшгaн бир дaврдa қишлоқ хўжaлиқ мaхсулoтларини eғoч, фaнeр, тaхтa, шифeр ва бошқa бинoкoрлик мaтeриaллaригa айрибoшлaш, eхтиeктaлaб мaхсулoт eтиштиривчилaр билан ўтирдaн-тўғри aлоқa ўрнaтиш тўғрисидa кўрсaтмa бeрaди, шундaн кeлeб чикиб, хoрaзмликлар Ирқуткa вилoятини билан, фaрғoнaликлар ва сaмaрқaндликлар Рoссиянинг бошқa вилoятлaри билан ўзарo хaмкoрлик aсосидa ишнa йўлгa қўйишaди.

1991 йилнинг 11 янвaридa бу бoрaдaги кeнг қўламли ишлaрини янaдa тaқoимилaштириш мaқсaдидa Президент "Кoлхoзчилaр, шoвoқoлaрининг ишчилaри ва қишлоқ жoйларидa яшoвчи бошқa фукaрoларнинг шaхсий eрдaмиқ хўжaлиқларини янaдa ривожлантиришгa oғи қўшимчa тaртиблар тўғрисида"ги Фaрмoнoғa имзo чeқди. Мазкур Фaрмoнoғa aссoсaн янa 1 миллиoн 221 минг 477 oилaгa 137 минг 246 гeктaр сўғирлaдигaн ер қўшимчa тoморқa сифaтидa бўлиб бeрилди.



# Саратон



**Тирик жон борки, саратонда соя қидириб қолади.** Чунки йилнинг энг иссиқ кунлари саратон ойига тўғри келади. Нега десангиз, 25 июндан ёзнинг чилласи киради-да. Халқимиз "чилла - ҳар дами тилла", дейди. Бонси, чилла тафти олмаю шафтоли, анжиру узум, қовуну тарвузга қизиллик беради. Бугдой, арпа саранжомланиб, ўрнига иккинчи экан экиш ишлари ҳам саратон ойида амалга оширилади.

Дарвоқе, кечадан жавзо оёқлаб, саратон кирди. Саратон бошлангани сезиш қийин эмас, аслида. Негаки, жавзо охираши билан қушлар паррандалар бесаранжом бўлиб қолади. Тунни қурбаканинг "вақ-вақи" безайди. Қисқаси, туннинг соқини бузилдими, демак, саратон бошланди.

Мутахассислар қушларнинг безовта бўлиб қолишини полапонларини учирма қилдириши билан боғлашади. Чунки бу пайтда майна, қораялоқ, чумчуқ, ҳаққа бовоз илмини олилча-ку, ҳозирнинг бурж диллари паршади. Мусиқани ўзида иккинчи бор жўжа очиб бўлди. Ташбақалар эса айна дамба зўр бериб озикланишга тушган. Улар саратон тугаши билан ёз уйқусига кетишади-да.

Саратон ҳижрий-шамсий йил тақримида кўра, тўртинчи ой. 22 июндан 22 июлгача бўлган даврни ўз ичига олади. Саратон туркумидаги юлдузлар осмоннинг шимолӣ ярим шарида Силосвин, Эгизаклар, Кичик Ит, Асад ва Кичик Арслон юлдуз туркумлари орасида жойлашган.

Саратонга хос яна бир жиҳат шундаки, йилнинг энг узун кун ва энг қисқа туни мазкур ойдагина кузатилади. Яъни, бу вақтда куннинг узунлиги 17 соату 37 минутгача бўлади. Бу ойнинг фақат дастлабки олти кунда рўй берадиган ҳолат. Сўнг аста-секин кун қисқариб, тун узая боради.

Саратон, айримлар уйлаганидек, ўзи соя-салқинга олиш вақти эмас. Унинг тафтидек иш ҳам қайнабди. Урим-йигим якунлаиб, асосий эътибор гўза парваришига қаратилади. Чунки пахта ҳосилининг салкам 50 фоизи ушбу паллада шаклланади. Бу ойдаги юмушларнинг нозиклиги шундаки, ҳар бирини оби-тобида қилмасангиз, бекор. Айниқса, сув куйишни. Ҳўзага сув вақтида куйилмас, ҳосилнинг салмоғи сўнади-қолади. Ахир ҳексалар кўп бор айтшади-ку, "саратонда сув қуй, асада тек қуй", деб.

Саид РАҲМОНОВ

**(Боши 1-бетда)**  
- Ҳозирда республика бўйича 22 мингдан зиёд гиёҳвандлик билан касалланган беморлар рўйхатга олинган. Уларнинг аксарияти Тошкент шаҳри, Тошкент, Самарканд, Сурхондарё, Хоразм вилоятларига тўғри келади.  
- Марказимизга беҳуш ҳолда келтирилган гиёҳванд бемор дастлаб реанимация жонлантириш бўлимига ётқизилади. Хушига келтирилгач, агар унинг ўзи даволанишга

Тошкентнинг Эски шаҳарида ўсиб улғайган, турмуш кургани бор-йўғи тўрт ой бўлган бу аёлнинг гиёҳванд модда истеъмол қилиб юрганига тўрт йил бўлган. Турмуш ўртоғи бундан хабар топиб, шу ерга келтирди.  
- Марказда даволаш тартиби қандай?  
- Ҳозирда шифохонамиз замонавий ускуналар билан тўлиқ жиҳозланган бўлиб, қондаги захарни филтрловчи аппарат республика бўйи-

Шунингдек, беморларни арттерапия усулида ҳам даволаймиз. Бу усулда психолог шифокор ҳар бир беморга шахсан топширик беради. Улар ўз таассуротлари асосида расм чизиб, ўзини қийнаётган ёки ҳайратлантираётган нарса ва ҳодисаларни шу расмда намоиш қилишлари керак.  
Бошида айтиб ўтганимиздек, гиёҳванд одамнинг ўзи даволанишга ички хоҳиш бўлмаса, бизнинг амалларимиз беҳуда. Агар гиёҳванд

# "Мен ҳаётни танладим"



даво истамаса, у узоғи билан 5-6 йил яшайди, холос.  
Бош шифокор ҳузурдан чиқиб, реабилитация шифохонасининг беморлар даволанаётган бўлимида ҳам бўлди. Бу бўлимда юқорида ҳикоя қилинган Анварга тенгдош йигит эътиборимизни тортди.  
- Сизни нима мажбур қилди?  
- Ҳеч нима, ўртоқларимга қизиқиб...  
- Пулни қаердан олардингиз?  
- Шахсий дўконим бор.  
- Бу ерга келишга нима туртки бўлди?  
- Хали ёшман. Энди 23 га кирдим. Оила қуришим, яшашим керак. Бу ерда ҳаётнинг қадрига тушуниб етдим. Бу "қора йўл" менинг йўлим эмас. Мен Ҳаётни танладим!  
**Орузгул РУСТАМОВА**

даво истамаса, у узоғи билан 5-6 йил яшайди, холос.  
Бош шифокор ҳузурдан чиқиб, реабилитация шифохонасининг беморлар даволанаётган бўлимида ҳам бўлди. Бу бўлимда юқорида ҳикоя қилинган Анварга тенгдош йигит эътиборимизни тортди.  
- Сизни нима мажбур қилди?  
- Ҳеч нима, ўртоқларимга қизиқиб...  
- Пулни қаердан олардингиз?  
- Шахсий дўконим бор.  
- Бу ерга келишга нима туртки бўлди?  
- Хали ёшман. Энди 23 га кирдим. Оила қуришим, яшашим керак. Бу ерда ҳаётнинг қадрига тушуниб етдим. Бу "қора йўл" менинг йўлим эмас. Мен Ҳаётни танладим!  
**Орузгул РУСТАМОВА**

# SPORT O'LAMIDA

## Рақиблар номи маълум

**Футбол бўйича Германия яшил май-донларида кечайтган жаҳон чемпионати баҳсларида "А", "В", "С" ҳамда "D" гуруҳи вакиллари сўнгги тур беллашувларини ўтказишди.**  
"А" гуруҳида юз фоизлик натижага эришган Германия терма жамоаси энди 24 июн кунини "В" гуруҳида иккинчи ўринни қўлга киритган



Швеция терма жамоасига қарши майдонга тушади. Шунингдек, "В" гуруҳи пешқадами Англия терма жамоасининг рақиб номи ҳам маълум бўлган. Соҳа мутахассисларнинг аксарияти ҳозирданок гуруҳ баҳсларида Польшани 2:0, Коста-Рика терма жамоасини эса 3:0 ҳисоби билан доғда қолдира олган эквадорликлар 25 июнда Свен Горан Эрикссон шогирдларига яхшигина қаршилик кўрсатишларини башорат қилишмоқда.  
Чоршанба оқшомида нимчорак финалда тўп суратган яна тўрт рақиб номи маълум бўлди. "С" гуруҳининг икки пешқадами — Аргентина ҳамда Голландия терма жамоалари 3-турда

Учинчи тур баҳсларида қуйидаги ҳисоблар кайд қилинди.  
"А" гуруҳи.  
Германия — Эквадор 3:0  
Коста-Рика — Польша 1:2  
"В" гуруҳи.  
Парагвай — Тринидад ва Тобаго 2:0  
Швеция — Англия 2:2  
"С" гуруҳи.  
Голландия — Аргентина 0:0  
Кот-Д'Ивуар — Сербия ва Черногория 3:2  
"D" гуруҳи.  
Португалия — Мексика 2:1  
Эрон — Ангола 1:1  
Агар эътибор берган бўлсангиз, гуруҳлардан нимчорак финалга йўл олган барча жамоалар сўнгги турни ўзаро бир-бирига қарши майдонга тушиб ўтказганлар.

## "Сиз қаерга, Иванкович?"

**Кеча Эрон жисмоний тарбия кўмитаси томонидан мамлакат футбол федерацияси раҳбари Муҳаммад Додконни истеъфога чиқаришди.**  
— Эрон терма жамоаси Германия яшил майдонларида ўзига билдирилган ишончнинг мутлақо оқлабмади, дейилган кўмитанинг Эрон халқига махсус мурожаатида. — Бунга асосий сабаб эса мамлакат футбол федерацияси раҳбариятининг хаддан ортқ даражада марғуриликка берилганидир. Кейкайи ва рақибларни менсимаслик қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини вақтнинг ўзи кўрсатиб қўйди. Шу боис, Эрон жисмоний тарбия кўмитаси футбол федерацияси раҳбари Муҳаммад Додконни истеъфога чиқаришга қарор қилди ва, фурсатдан фойдаланиб, Эрон халқидан ҳам миллий терма жамоанинг муваффақиятсиз натижаларини ўчун ўз сўрайди.

Мазкур мурожаатдан сўнг Эрон терма жамоаси бош мураббийи Бранко Иванкович ҳам истеъфо бермоқчилигини маълум қилган.

## Клозе ҳозирча тўпурақ

**Германия терма жамоаси ҳужумчиси Мирослав Клозе 2002 йилги жаҳон чемпионати беллашувларида рақиблар дарвозасига беш тўп йўллаб, тўпурақлар баҳсида Роналдодан кейин иккинчи бўлган эди.**  
Айни пайтда эса у уч ўрашувда тўрт тўп киритган ҳолда голвадорлар мусобақасида пешқадамлик қилмоқда. Испания терма жамоаси ҳужумчиси Фернандо Торрес ҳисобида эса уч гол бор. Шунингдек, Бартош Бошакчи (Польша), Омар Браво (Мексика), Пауло Ванчопе (Коста-Рика), Агустин Дельгадо, Карлос Тенорио (иккиси ҳам Эквадор), Стивен Жеррард (Англия), Эриан Креспо, Макс Родригес (иккиси ҳам Аргентина), Тим Кэйхилл (Австралия), Томаш Росицки (Чехия), Давид Вилья (Испания) ҳамда Кот-Д'Ивуар терма жамоаси аъзоси Аруна Динданаел ҳам рақиблари дарвозасини икки маротабадан аниқ нишонга олишга муваффақ бўлишган. Кизиги шундаки, дунё футболда голвадорлик қобилияти билан донг таратган бир қатор ҳужумчилар ҳали ўз номиларини таблода ёздиришга улгурмадилар.

Ўтказилган 40 ўрашувдан сўнг дарвозалар 97 маротаба ишғол қилинди. Бу эса махсусдорлик ҳар бир ўйинга ўртача 2,4 тадан тўғри келишини аниқлатади. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, кечаги кун беллашувларига қадар жаҳон чемпионатларида урилган барча голлар сони 2013 тага етди. Тарихий 2000 голни шведиялик Маркус Олбак киритган бўлса, 2006 йилнинг жаҳон чемпионатидаги 2006 тўп, шу пайтга қадар жаҳон чемпионати бўлиб ўтган йилда айнан ўша рақамга мос тўп дарвозага киритилмаган эди) мексикалик Фонсека номига ёзилмаган бўлди.

Ҳасан ТОШҲУЖАЕВ тайёрлади.

**Ўзбекистондаги йирик ва универсал банклардан бири**

# ХАЛҚ БАНКИ

**"Оила фаровонлиги" истеъмол кредитини**  
**ТАКЛИФ ЭТАДИ**  
**Мазкур истеъмол кредити орқали Сиз:**

- Машиини техникалар, уй-рўзгор буюмлари ва мебелларни харид қилиш
- Дори-дармонлар сотиб олиш ва даволанишни молиявий қўллаб-қувватлаш
- Тўй ва маърака маросимларини ўтказиш
- Миллий хунармандчилик ва қасаначилик билан шуғулланишни молиявий қўллаб-қувватлаш
- Уй-жой (ҳовли) ва квартираларни таъмирлаш
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудига жойлашган тарихий обидаларни зиёрат қилиш

ҳамда истеъмол эҳтиёжлари учун мўлжалланган бошқа турдаги хизмат, иш ва товарларни олиш имкониятига эга бўласиз!

**ХАЛҚ БАНКИ ИСТЕЪМОЛ КРЕДИТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИНГ ВА ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИНГИЗНИ ОШИРИНГ!**

**Хизматлар лицензияланган**

Фермерское хозяйство "JALIL OTA", расположенное пос.Майск, Кибрайского района Ташкентской области, сообщает о смене статуса на частное предприятие. Претензии принимаются в течение одного месяца со дня опубликования объявления. Тел.: 119-01-50.

ЧП "JASMIN" Шайхонтоҳурского района г.Ташкента реорганизуется в ООО. Претензии принимаются в течение одного месяца со дня опубликования объявления. Тел.: 140-00-89.

К сведению кредиторов ЧФ "RASHA" Юнусабдского района г.Ташкента уменьшается свой Уставной фонд с 10000000 сум до 7000000 сум. Претензии принимаются в течение одного месяца со дня опубликования объявления. Тел.: 117-22-32.

В соответствии с Постановлением Центра по координации и контролю за функционированием рынка ценных бумаг за № 1127-1 от 18.04.2005 г. Сагдуллаев Рахматилла раскрывает информацию о намерении приобрести 5 208 (Пять тысяч двести восемь) штук акции простая именная бездокументарная и акция привилегированная именная бездокументарная, акций "Хумсон савторияси" ОАЖ Таш.обл. расположенного по адресу: Таш.обл. Бустонликский район, Хумсон к., что составляет 20 % от Уставного фонда.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани ИИБ томонидан 2006 йили "ILYASOV AZIZ ANVAROVICH" номига берилган думалок муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

**АВТОТРАНСПОРТ - КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА!**

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ "ГАЗ" ВАЖНИЙ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ЭКСКЛЮЗИВ ДИСТРИБЬУТЕРИ

**АВТОДОМ PLUS**

"ГАЗ" русумли 50 хилдан зиёд автотранспорт - 1,5-4,5 тонналик юк машиналари, 3-7 ўринлиқли, 0,8 тонна юк кўтарилган фурголар, 6-15 ўринлиқли микроавтобусларни сотади.

**Ҳақ тўлаш исталган усулда!**

700015, Тошкент, Шахрисабз кўчаси, 16А-уй.  
Тел./факс: (99871) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62.  
Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-25-42, 126-12-94.  
E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

**Бош муҳаррир**  
**Ўткир РАҲМАТ**

**ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:**  
Саид АҲМАД, Ағитай АДИЛОВ, Уктам БАРОЕВ, Фахриддин КАЛОНОВ, Комижон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ, Фафур ШЕРМУҲАММАД.

**МУАССИСЛАР:**  
Ўзбекистон Республикаси Агростанот комплекси таркибидagi ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими - 136-58-83, 136-56-25, Котибият - 133-95-17, Реклама ва эълонлар - 133-44-43, 136-54-44, 133-28-04, Факс - 133-44-43, 133-40-87

**ВИЛОЯТ МУҲБИРЛАРИ:**  
Қорақалпоғистон Республикаси - 8-361-58-512-17, 22-35-753; Андижон - 8-374-22-234-08; Бухоро - 8-365-22-644-61; Жиззах - 8-372-22-606-34; Навоий - 8-436-22-60-525; Наманган - 8 - 369-41-234-23; Фарғона - 8-373-61-221-97; Самарқанд - 8-366-2-33-70-57; Сурхондарё - 8-376-46-526-61; Сирдарё - 8-367-37-23-813; Тошкент - 8-371-136-56-21; Хоразм - 8-362-22-623-50; Қашқадарё - 8-375-22-517-65.

**Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар**  
-тижорат мақола

**МАНЗИЛИМИЗ:**  
700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

**Набатчи:**  
Д.УЛУҒМУРОДОВ  
**Саҳифаловчилар:**  
Р.ЕДГОРОВ, А.САФОНОВ  
**Бош мусоҳиби:**  
Х.ТОШҲУЖАЕВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2003 йил 20 ноябрда № 050 - рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба ("Ҳаёт"-илова), жума кунлари чиқади.  
Буюртма Г-817, ҳажми 2 босма табоқ.  
Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.  
Босишга топшириш вақти: 21.00.  
Босишга топширилди: 21.00  
Адади - 15193

Газета тахририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.  
"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида босилди.  
Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6